# YURIDIK AHAMIYATGA EGA HUJJATLARNING QONUN HUJJATLARIGA MUVOFIQLIGI TO'G'RISIDA HUQUQIY XULOSA

№ _________

1. Loyihaning turi

Nishon tuman Tibbiyot birlashmasi xo'jalik munosabatlariga oid, **2022 yil uchun Obuna shartnomasi** loyihasi yuzasidan quydagilarni,

A N I Q L A D I M:

2. Loyihaning nomi

Ushbu shartnomaga asosan bir tomondan O'zbekiston pochtasi AJ Qarshi filiali raxbari A.Raximov bir tomondan va Nishon tuman Tibbiyot birlashmasi (keyingi o'rinlarda «Iste'molchi» deb yuritiladi) o'zining nizomi (nizomi, ustavi, ishonchnoma) asosida ish yurituvchi raxbari v.v.b I.Bazarov ikkinchi tomondan mazkur shartnomani quyidagilar xaqida tuzdilar:

Sotuvchi o'ziga tegishli bo'lgan tovar (maxsulot)ni shartnomaga ilova spetsifikatsiyaga asosan Sotib oluvchiga mulk kilib topshirish, Sotib oluvchiesa tovar (maxsulot)ni kabul kilish va ushbu shartnomada belgilangan muddatlarda shartnoma summasini tulash majburiyatini olish to'g'risida rasmiylashtirilgan loyiha amaldagi qonun normalariga muvofiq ko'rinadi.

Shartnomaning umumiy baxosi 38 245 660 so'mni tashkil etadi.

3. Loyiha ishlab chiquvchisi va kiritilgan sana haqidagi ma'lumot

Nishon tuman Tibbiyot birlashmasi tomonidan 29.01.2022-yilda yuridik xizmat ko'rsatish markaziga taqdim etilgan.

Yuqorida qayd etilganlarga asosan,

**X U L O S A   Q I L D I M:**

Loyiha amaldagi qonun hujjatlariga muvofiq ishlab chiqilgan va uni qabul qilish maqsadga muvofiq hisoblayman.

Markaz bosh
yuriskonsulti

U.J.Safarov

29.01.2022-yil

**2022 йил Обунаси учун**

## ОБУНА ШАРТНОМАСИ №_05_

Нишон тумани «29»январь 2022 йил

Узбекистон почтаси АЖ Карши филиали кейинги ўринларда «Сотувчи» деб юритилади,узининг Устави асосида иш юритувчи филиал рахбари А.Рахимов номидан бир томондан ва Нишон тумани тиббиёт бирлашмаси кейинги ўринларда «Обуначи»деб юритилади,узининг Низоми (низоми,устави,ишончнома)асосида иш юритувчи И.А.Базаров (вазифаси, фамилияси,исми) номидан,иккинчи томондан мазкур шартномани куйидагилар хакида туздилар.

1.Шартноманинг предмети.

1.1. Узбекистон почтаси АЖ Карши филиали 2022 йил учун қуйидаги кўрсатилган спецификацияга асосан газета ва журналларни обуначига етказиб беришни,Обуначи эса етказиб берилган газета ва журналларни қабул қилиб олиш ва шартномада назарда тутилган маблағ доирасида тўловни амалга оширишни ўз зиммаларига оладилар.

| Индекс | Нашр номи | Муддати | Сони | Нархи | Сўммаси |
|---|---|---|---|---|---|
| 1 | Янги Узбекистон газетаси | 10 ойлик | 15 | 1039000 | 15585000 |
| 2 | Халк сузи газетаси | 10 ойлик | 16 | 728900 | 11662400 |
| 3 | Кашкадарё газетаси | 10 ойлик | 16 | 302060 | 4832960 |
| 4 | Юрт таровати | 10 ойлик | 7 | 205000 | 1435000 |
| 5 | Хукук | 10 ойлик | 10 | 473030 | 4730300 |
| | | | | | |
| | | | | | |
| | | | | | |
| | | | | | |
| | | | | | |
| | | | | | |
| | | | | | |
| | | | | | |
| | | | | | |
| | **Жами** | | | | **38 245 660** |

1.2. Шартноманинг умумий суммаси **38 245 660** ( Уттиз саккиз миллион икки юз кирк беш минг олти юз олтмиш ) сум

2.Газета ва журналларни етказиб бериш тартиби ва муддати

2.1.Газета ва журналларни етказиб бериш муддати 01.01.202 2йилдан 31.12.2022 йилгача.

2.2.Газета ва журналларни етказиб бериш муддати хар бир маълум тўплам бўйича келишилади.

2,3.Газета ва журналларни сотувчи ўз транспортида етказиб беради.

2.4.Транспорт харажатлари сотувчи томонидан копланади.

3.Тўлов тартиби

3.1.Ушбу шартноманинг умумий суммаси.

3.2.Сотиб олинадиган газета ва журнал учун 100 % олдиндан тўловни амалга оширади.

3.3.Тўлов шакли хисоб-китоб накд пулсиз пул кўчириш йули билан амалга оширилади.

4.Газета ва журналларнинг сифати

4.1.Сифат газета ва журналларнинг ушбу гурухи учун амалдаги стандартларга мувофик келиши керак.
4.2.Сотувчи тўпламда яроқсиз махсулот мавжудлиги хақида хабар олган пайтдан бошлаб 5 кун ичида сифатсиз газета ва журнални алмаштириб беришга мажбур.

5.Шартномага ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш.

5.1.Шартномага ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш томонларнинг розилигига кўра қўшимча битимни расмийлаштириш йўли билан амалга оширилади.Шартномага ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш хакидаги битим у ёзма шаклда бўлгандагина ва томонлар уни имзолаганларидагина хаққонийдир.
5.2.Томонларнинг шартнома шартларига киритган қўшимча ва ўзгартиришлари унинг ажралмас қисми бўлиб хисобланади,улар албатта инобатга олиниши зарур.
5.3. Шартнома қонунчилик ўзгарганда,Ўзбекистон Республикасининг қонунчилик хужжатларида белгилаб берилган бошқа холларда қайта тузилиши ёки ўзгартирилиши мумкин.

6.Тарафларнинг жавобгарлиги

6.1.Мазкур шартномада кўзда тутилган мажбуриятларни бажармаслик ёки тегишли равишда бажармаслик холида,Тарафлар Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигига мувофиқ жавобгарликка тортилади.

7.Шартноманинг амал қилиш муддати.

7.1.Мазкур шартнома «1»январ 2022 йилдан «31»декабр 2022 йилгача амалда бўлади.
7.2.Шартнома тарафлар имзолаб ўз мухрлари билан тасдиқлаганларидан сўнг кучга кирган хисобланади.
7.3.Мазкур шартнома икки нусхада тузилиб,бир хил юридик кучга эга бўлиб хисобланади ва томонларнинг хар бири учун бир нусхадан берилади.
7.4.Шартнома муддатидан олдин қўйидаги холларда бекор қилиниши мумкин.
-томонларнинг келишувига мувофиқ;
-Ўз.Рес.қонунчилик хужжатларида назарда тутилган холларда.

8.Низоларни хал қилиш

8.1.Тарафлар шартномада кўрсатилган мажбурият ва шартларни бажармаган тақдирда Ўз.Рес.Фуқаролик кодекси ва «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-хуқуқий базаси тўгрисида»ги қонуни хамда бошқа қонун хужжатлари асосида жавобгар бўладилар.
8.2.Тарафлар ўртасида келиб чиқадиган низолар ўзаро келишув асосида,агар тарафлар келиша олмасалар низолар Ўз.Рес. «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-хуқуқий базаси тўгрисида»ги қонунга ва Фуқаролик кодексига асосан хўжалик суди тартибида хал қилинади.
8.3.Келишмовчиликлар юзага келган тақдирда барча масалалар икки томонлама музокаралар йўли билан хал қилинади,келишиш имкони бўлмаганда эса Қашқадарё вилоят Иқтисодий судида хал қилинади.

9.Бошка шартлар

9.1.Мазкур шартномага киритиладиган барча ўзгартириш ва қўшимчалар ёзма шаклда тузилиши ва хар иккала тарафлар орқали имзоланиши керак.

10.Томонларнинг юридик манзиллари ва банк реквизитлари

| « Сотувчи » | « Обуначи » |
|---|---|
| Узбекистон почтаси | Нишон тумани тиббиёт бирлашмаси |
| “Кашкадарё филиали » | Я.Нишон шахри |
| Мустакиллик куча 19 уй | 100022860102357073101054006 |
| х\р 22612000800155266272 | МФО 00014 ИНН 201286635 |
| МФО 00194 ИНН:200833833 | Марказий банк Тошкент шахри |
| АТ Асакабанк нинг Амалиёб б | БХХКМ |
| Директор: А.Рахимов | Бошлик : И.Базаров |